

И. С. Байджанов

Маънавият сарчашмаси

Услубий қўлланма



И. С. Байджанов

**Маънавият сарчашмаси.
Услубий қўлланма**

«Издательские решения»

Байджанов И. С.

Маънавият сарчашмаси. Услубий қўлланма / И. С. Байджанов —
«Издательские решения»,

ISBN 978-5-44-832444-4

Урганч қурилиш касб-хунар коллежида ўрта махсус касб-хунар
мутахассисларининг 2004 йил январ ойида ўтказилган маънавият ва маърифат
ишлари бўйича директор ўринбосарларининг ўқув машғулоти кўрик
кенгаши тафсилотлари.

ISBN 978-5-44-832444-4

© Байджанов И. С.
© Издательские решения

Маънавият сарчашмаси

Услубий қўлланма

И. С. Байджанов

МАЪНАВИЯТ – БОШ МЕЗОН

*Маънавият – инсоннинг, халқнинг,
жамиятнинг, давлатнинг куч – қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.*

И. Каримов.

© И. С. Байджанов, 2016

Редактор Абдулла Сафоев

Корректор Махмуд Ибадуллаевич Самандаров

ISBN 978-5-4483-2444-4

Создано в интеллектуальной издательской системе Ridero

Мустақиллигимизнинг биринчи йиллариданоқ одамларда маънавиятнинг бебаҳо хусусиятларини шакллантиришга асосий диққат-эътибор қаратилди. Аждодларимиз томонидан яратилган ғоят улкан, тенгсиз маънавий ва маорифий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш, яна халқимизнинг ўзига қайтариб бериш давлатимиз сиёсатининг муҳим масаласига айланди. Айниқса бу тушунчани ёшлар онгига чуқур сингдириш ҳаётий ва долзарб вазифа эканлиги алоҳида таъкидлаб келинмоқда. Бу Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳнаомлиги билан яратилган «Таълим тўғрисидаги қонун», шунингдек, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да ҳам ўз ифодасини топган. Негаки, Элим деб, юртим деб ёниб яшашга қодир инсонларда маънавият тушунчаси болаликданоқ шакллана беради ва улар ўзларининг оиласига дўст-ёрларига, Ватанга бўлган меҳр – муҳаббати, садоқати, ихлос эътиқодини амалий ишлари билан намोён қилиб борадилар. Зеро, сўз ва иш бирлиги маънавияти юксак инсонларнинг дил амри, қалб даъватига айланади. Улар ўтиб борувчи ВАҚТнинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланишга, ўзларидан яхши ном, эзгу ишлар қолдиришга ҳаракат қиладилар.

Коллежимизда шу боисдан ҳам энг аввало маънавий жиҳатдан етук, баркамол мутахассислар тайёрлашга бош вазифа деб қаралади.

Қайси фан ўқитилмасин ёки амалий машғулот ўтказилмасин халқимизнинг маънавий қадриятлари ёшлар онгига сингдириб борилади. Бу эса ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» марказининг Хоразм вилоят бўлими томонидан коллежимизда маънавий – маърифий тадбирларнинг изчил йўлга қўйилганлиги эътироф этилди. «Маънавият ва маърифат» хонаси танловда ғолиб деб топилиб, биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Маънавий – маърифий ишларни намунали йўлга қўйганлигимиз туфайли коллежимиз республика ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг махсус буйруғига кўра таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини тажрибадан ўтказишга мўлжалланган тажриба – синов майдонига айлантирилди. Шу муносабат билан турли кўрик кенгашлар, йиғилишлар ўтказилиб, ўзаро тажриба алмашиши одат тусига кириб қолди.

2004 йилнинг 13—15 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги, ўрта махсус касб-хунар таълими республика маркази, Хоразм вилояти Хокими маҳкамаси ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ўқув муассасаларидаги маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарларининг икки кунлик ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда Хоразм вилоятидаги барча коллеж, академик лицейларнинг

маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари иштирок этдилар. Қорақалпоғистон республикасида ҳам бир гуруҳ ҳамкасбларимиз қатнашдилар.

Текшириш, кузатиш ва ўзаро тажриба алмашишлар жараёнида шу нарса аён бўлдики, аҳил жамоамизнинг ҳамжихатлиги, изланишлари бежиз кетмаяпти. Хар бир педагог ўз фани бўйича замон, давр талаблари даражасида пухта билимга эга бўлишлари билан бирга маънавий кўникма, малакага эга эканликларини машғулотлар жараёнида кўрсатиб келишмоқда. Коллежимизда амалга оширилаётган ибратли ишлар, қўлга киритилаётган ютуқлар бош мезони ҳам маънавиятга эътиборнинг оширишида дея эътироф этилди.

Чиндан ҳам билимли ва малакали мутахассислар тайёрлашимизда маънавий ва маърифий йўналишдаги ишларни изчил йўлга қўйганлигимиз ижобий самаралар бермоқда.

Ўқув даргоҳимиз 1999 – 2000 ўқув йилидан янги мақом асосида иш бошлади. Қурилиш ва касб-хунар коллежига айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисидаги, «1999-2003 йилларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорларнинг қабул қилиниши мустақил мамлакатимизда авлодлар баркамоллигини ўйлаб, ёшларнинг билим ва касб-хунар малакаларини янада пухта эгаллашлари учун яратиб берилган кенг имконият, бебаҳо имтиёз, катта ғамхўрлик бўлди.

Бугунги кунда коллежимиз республикамиздаги ўз мавқеи ва нуфузига эга билим ва касб-хунар коллежига айланган. Буни навбатдаги ўқув семинари қатнашчилари ҳам кузатиб ўрганишларига асосланиб, алоҳида таъкидладилар. Ишларимиз хақида билдирилган хар бир фикр, истак, эътироф эса бизга янада катта масъулият юклайди. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхши, унумли, сифатли ишлаш доимий шиоримиз.

Айтиш мумкинки, коллежимиз йилдан йилга чирой очмоқда, ичкараси ва ташқариси ўтган икки йил мабойнида тўла қайта таъмирланиб, юсак эстетик дид билан безатилди.

Янги замонавий ўқув жихозлари, техник асбоб-ускуналар сотиб олинди. Илгари радиоэшиттириш тармоғи фаолиятини йўлга қўйган бўлсак, эндиликда тўрт каналли ўз ички телестудиямизга ҳам эгамиз. Яна бир диққатга сазовор янгилик – ўқув ишлаб чиқариш устахонаси қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги бўлди. Бу ерда талабаларимиз умумқурилиш, дурадгорлик ишлари, газ таъминоти жихозларини йиғиш ва таъмирлаш, қурилиш-пардозлаш ишлари бўйича олган назарий билимларини амалда қўллаб, аниқ кўникмалар хосил қиладилар, бунёдгорлик жабҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ишлар тўғрисида муайян тушунча, тассавурга эга бўладилар.

Конец ознакомительного фрагмента.

Текст предоставлен ООО «ЛитРес».

Прочитайте эту книгу целиком, [купив полную легальную версию](#) на ЛитРес.

Безопасно оплатить книгу можно банковской картой Visa, MasterCard, Maestro, со счета мобильного телефона, с платежного терминала, в салоне МТС или Связной, через PayPal, WebMoney, Яндекс.Деньги, QIWI Кошелек, бонусными картами или другим удобным Вам способом.